Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 146 (7. 235) 1990 йил 30 июнь, шанба Баҳоси 3 тийин

БИЗ—ПАРТИЯ БИРЛИГИ ТАРАФДОРИМИЗ

Жумҳурият партия ташкилотидан КПСС XXVIII съезди делегатлари 29 июнь куни Тошкентдан Москвага жўнаб кетишди. Партия ташкилотларининг коммунистлари ўзининг шахсан аниқ йўлига эга бўлган, партия, меҳнаткаш халқ манфаатларини сўзда эмас, амалда ҳимоя қилишга тайёр турган кишиларни ўзларининг мухтор вакиллари этиб сайладилар. Ҳозирги, жамият ва партия бошидан кечираётган мураккаб вазиятда жумҳурият делегатлари КПССнинг бирлиги, барча соғлом кучлар жипслиги учун курашиш иштиёқи билан тўлиб-тошганлар.

Съездга тайёргарлик чоғида КПСС янги Устави ва Ҳаракат дастури лойиҳалари, бошқа ҳужжатлар бошланғич партия ташкилотларида кенг муҳокама қилинди. Коммунистлар ўз фикр-мулоҳазаларини айтишди, тузатишлар киритишди. Делегатлар ана шу таклифларни съездда ҳимоя қилишлари керак бўлади.

Иқтисодиётда бозор муносабатларига ўтишга тайёргарлик жумҳурият меҳнаткашлари орасида кўп гапларга сабаб бўлди. Бундай қадам зарурлигини тушунган меҳнаткашлар ўз манфаатларини ҳимоя қилинишига кафолат берилишини хоҳламоқдалар. Коммунистлар бу масала хусусида ҳам ўз сўзларини айтишлари керак.

(ЎзТАГ).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

А Х Б О Р О Т

1990 йил 29 июнь куни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлди.

Пленум муҳокамасига КПССнинг бўлажак XXVIII съезди масалалари киритилди.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев маъруза қилди.

Пленумда: Чита вилоят партия комитетининг биринчи котиби Н. И. Мальков, Иркутск вилоят партия комитетининг биринчи котиби В. И. Потапов, СССР ўрмон саноати министри В. И. Мельников, СССРнинг Монголия Халқ Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси В. И. Ситников, СССР телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси М. Ф. Ненашев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, шахсий пенсионер Я. П. Рябов, Мари вилоят партия комитетининг биринчи котиби Г. А. Посибеев, СССР ички ишлар министри В. В. Бакатин, ВЦСПС раиси Г. И. Янаев сўзга чиқдилар.

Пленум «КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVIII съездига Сиёсий ҳисоботи ва партиянинг вазифалари» маърузасининг асосий қоидаларини маъқуллади ҳамда Марказий Комитетнинг Сиёсий бюросига бўлиб ўтган муҳокамани ҳисобга олиб, уни узил-кесил ишлаб чиқишни топширди.

Пленум съездда маъруза қилишни КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачевга топширди.

Пленум КПСС XXVIII съездининг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Дастурий баёноти ҳамда КПСС Устави лойиҳаларини асосан маъқуллади ва бу ҳужжатларни съезд муҳокамасига қўйишга қарор қилди.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби М. С. Горбачев якунловчи нутқ сўзлади.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тугаллади.

Танишинг: КПСС XXVIII съезди делегати



«НИМАИКИ ГЎЗАЛ—АХЛОҚИЙДИР»

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди арафасидамиз. Бу анжуманга ҳамма қатори жумҳуриятимиздан сайланган съезд делегатлари ҳам катта тайёргарлик кўришмоқда. Бундай бахтга сазовор бўлган турли касб кишиларн орасида шаҳримиздаги ўзбек Давлат «Ёш гвардия» драма театрининг етакчи санъаткори, жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Гулчеҳра Жамилова ҳам бор. Мухбиримиз унга бир нечта саволлар билан мурожаат этди.

— Гулчеҳрахон, съездан нималарни кутяпсиз?

— Билишимча, съезд Совет Иттифоқи коммунистлари ҳаётида кескин бурилиш ясайдиган воқеа бўлади. Бутун мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ташвишли ҳолат юзага келган ҳозирги энг мураккаб вазиятда сиёсий раҳбарликни мустаҳкамлашни ва барча соҳаларда кескин ўзгаришлар ясашни, иқтисодий танглиқдан чиқишнинг аниқ йўл-йўриқларини ишлаб чиқиб, унинг изчиллик билан амалга оширилишини кутяпмиз.

Пойтахт ва вилоят партия конференцияларида, қолаверса бўлиб ўтган жумҳуриятимизнинг XXII съездида ҳам коммунистлар ана шу ҳақда ўзларининг аниқ таклиф ва мулоҳазаларини айтдилар. Мен ҳам мамлакат деб аталмиш катта бир оиланинг аъзоси ва санъаткор сифатида мана шундай таклифларнинг тарафдориман. Яна бир нарсани— партия юқори органлари қабул қилган қарорларнинг ижросини таъминлашда қуйи бўғинлар ҳал қилувчи роль ўйнашини яхши биламан. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитети партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурида қайд этилган бошланғич ташкилотларнинг мустақиллигини, унинг таъсирчанлиги ва жанговарлигини ошириш ҳақидаги қоидаларни тўла қўллаб-қувватлайман.

Мен мамлакат коммунистларининг съезди ўз ишини муваффақиятли ўтказишига жон-дилдан тилакдошман. Истагим шуки, у нутқбозлик ёки гапдонлик мусобақаси, бефойда мунозаралар ва баҳслар минбарига айланиб қолмасин.

● **КПСС XXVIII съезди делегати Гулчеҳра Жамилова билан суҳбатнинг давомини рўзномамнинг 3-саҳифасида ўқийсиз.**

ҚЎЛНИ ҚОВУШТИРИБ ЎТИРМАЙЛИК

Тошкентдаги «Миконд» заводининг ишчилари КПСС XXVIII съезди делегати, «ТашЭКС» бирлашмаси ремонтчи-слесари Д. Г. Голов билан учрашдилар. Учрашув, гарчи самимий муҳитда, бир пиёла чой устида ўтган бўлсада, суҳбат ниҳоятда ўткир, долзарб кечди. Коммунистларни бир масала: коммунистлар анжумани қандай қарорлар қабул қилади, КПССнинг ривожланиши қайси йўлдан боради, деган масала қизиқтирарди. Ишчи делегат ўз мавқеини аниқ белгилаб олган. У жамиятимизда партия мавқеини кучайтириш, барча соғлом кучларни жипслаштириш тарафдори. Учрашув қатнашчилари ҳам шундай фикрда эдилар.

«Миконд» заводида 670 нафардан кўпроқ коммунист партия съезди иш бошлашини сабрсизлик билан кутмоқда. Улар КПССнинг олий органи амалий қарорлар қабул қилишига умид боғламоқдалар.

Завод партия ташкилоти қўл қовуштириб ўтиргани йўқ, у ҳаракат қилмоқда, ишнинг янги шаклларини изламоқда, ўзгариб бораётган вазиятни тезда англаб олмоқда. Цехлардан бирининг коммунистлари бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисида қилинган ўша машҳур чиқишидан сўнг ўз ташаббуслари билан мажлис ўтказадилар. Ишчилар бозорга муқобил нарса йўқлигини тушунишарди, лекин нотиқлар нон ва нон маҳсулотларининг нархи кутилмаганда тез ва анча кўтарилишига қарши чиқишди. Улар одамлар олдидаги ўз масъулиятларини ҳис этишган ва СССР Олий Совети номига мурожаатнома қабул қилишар экан, жамоанинг фикрини ифодалашди.

Завод партия комитети ўз мавқеини белгилаб олар экан, жумҳуриятимиздаги, шунингдек мамлакатимиздаги партия ташкилотлари билан бевосита алоқа ўрнатмоқда.

— Биз ўз ёгимизга ўзимиз қоврилмаслик, ўйламасдан қадам ташламаслик учун партиядаги шерикларимизнинг фикрларини билишга қизиқамиз, — дейди завод партия комитетининг котиби А. С. Хўжаев ЎзТАГ мухбири В. Драчевга. — Мен муайян шахслар ёки гуруҳларнинг измида бўлмаслик кераклигига ишончим комил. Лекин одамларни тийиб туриб ҳам, уларни у ёки бу масала юзасидан ўз фикрларини айтиш ҳуқуқидан маҳрум этиб ҳам бўлмайди. Жамоанинг ҳар бир аъзоси нима ўйласа, шуни гапириши керак, ўшанда тўғри ечимни топиш осон бўлади. Бошқа партия ташкилотлари билан алоқа қилиш мавқеимизнинг пишиқ-пухталигини текширишимизга ёрдам беради. Масалан, Минск соатсозлик заводи партия комитети котибининг ўринбосари А. Довнер билан суҳбатда уларда чиқадиган рўзноманинг аҳволи бизникидан анча мушкул эканлиги маълум бўлди. Шунга қарамай, улар бунинг иложини топишди.

«Миконд»да ҳам буни изладилар. Мажлисларда сўзга чиққан ишчилар рўзнома партия комитети, касаба уюшмаси комитети, комсомол комитети ва завод маъмуриятининг органи бўлмаслиги, у корхона жамоасининг органига айланиши керак, деган таклиф айтдилар. Партия комитети бу масалани муҳокама қилди ва уни узил-кесил ҳал этиш учун корхона меҳнат жамоаси кенгашининг мажлисига киритди. Меҳнат жамоаси кенгаши ишчиларнинг фикрига қулоқ солди ва энди кўп нусҳали рўзнома бутун жамоа органи бўлади.

— Биз партия съездига ҳозирлик кўрар эканмиз, жамоамизни бирлаштириш, рисоладагидек маънавий-руҳий муҳит яратиш учун барча ишларни қилдик, — деб таъкидлади А. С. Хўжаев. — Биз бунга эришдик, деб ўйламан. Съезд коммунистларнинг ҳам, партиясизларнинг ҳам ижодий фаоллигини ривожлантириш, уларнинг қайта қуришга сарфлаётган куч-ғайратларини бирлаштириш учун янги истиқболлар очади.

Тонгги рўзномаларда

⊙ **«Узбекистон ССРда конституцион назорат тўғрисида» Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни ва ана шу Қонунни кучга киритиш тартиби ҳақида Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг қарори эълон қилинган.**

⊙ **Ўзбекистон Касаба уюшмалари жумҳурият кенгашининг VIII пленуми Ўзбекистон Касаба уюшмалари XIV съездини ўтказиш муддатини яқинлаштириш ва уни 1990 йил 11 сентябрда ўтказишга, жумҳуриятнинг бўлажак касаба уюшмалари маркази тўғрисидаги асосий ҳужжатларнинг лойиҳалари негизида кенг мунозарани авж олдириш ҳақида қарор қабул қилди. Шу муносабат билан бугун жумҳурият рўзномалари саҳифаларида «Ўзбекистон ССР Касаба уюшмалари федерациясини тузиш тўғрисида Декларация» ҳамда Ўзбекистон ССР Касаба уюшмалари федерациясининг Устави» лойиҳалари берилган.**

Ижара ёрдамга келди

Кўп ихтисосли «Папирус» ишлаб чиқариш фирмасининг ижарачилари картон қутилар заводидаги мавжуд ишлаб чиқариш қувватларида икки баравар кўпроқ маҳсулот тайёрлайдилар. Улар бунга хом ашёдан янада оқилона фойдаланиш, қатъий технологик интизом ва ходимларнинг юқори малакаси ҳисобига эришдилар. Яқиндагина 6 миллион квадрат метр саноат картон қутиси тайёрланган жойда энди 12 миллион квадрат метр қути тайёрланмоқда.

«Папирус» ходимлари асосий маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бир вақтда халқ истеъмол моллари тайёрлаш ҳажмини ҳам оширмоқдалар. Чунончи, агар 3 йил муқаддам шундай маҳсулот тайёрлаш плани атиги 14 минг сўмликни ташкил этган бўлса, энди у 350 минг сўмликка етди. Лекин ижарачилар бу ишда ҳам бўш келишмади. Йил охиригача улар етти юз минг сўмлик тақчил маҳсулот — полиэтилен дастурхонлар, почта қутилари, хўжалик сумкалари ишлаб чиқаришни мўлжаллашмоқда.

(ЎзТАГ).

Жумҳурият меъморчилиги кунлари

1 июль куни Тошкентда Халқаро меъморлар кунига бағишланган Ўзбекистон меъморчилиги кунлари бошланади. Унинг программасидан жамоатчиликни лойиҳалаш ташкилотларининг иши, замонавий меъморчилик йўналишлари билан таништириш жой олган.

«Ташгипрогор», «Узкипиреставрация», «Средазгипроцелинстрой», «Узгипротяжпром», ТашНиипигенплан институтлари, Тошкент политехника институтининг меъморчилик факультети келувчилар учун ўз эшикларини кенг очиб қўйди.

Ўзбекистон Меъморлар уюшмасида жумҳурият меъморларининг энг яхши лойиҳалари кўргазмаси очилади. Меъморчилик халқаро академияси уюштирган семинар иштирокчилари ишлаган Бухоронинг эски қисмини реконструкциялаш лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасига қўйиш кўзда тутилган.

(ЎзТАГ).

«Орол» юкларни жўнатмоқда

Жумҳурият Автомобиль транспорти министрлигида «Орол» транспорт-саёҳат сервис бирлашмаси ва «Совтрансавто — ЮПС» Совет-Америка қўшма корхонаси ўртасида шартнома имзоланди.

Шартномага мувофиқ «Орол» транспорт-саёҳат сервис бирлашмаси Ўзбекистонда халқаро экспресс юкларни қайта ишлаш бўйича комплекс транспорт хизматини амалга оширади.

Жумҳурият Автомобиль транспорти министрлигининг ташқи иқтисодий фаолияти ҳақида рўзномада батафсил ҳикоя қилинади.

СУРАТДА: шарномани имзолаш вақтида (чапдан) — «Орол» бирлашмасининг бошлиғи Р. А. Солиҳов ва «Юнайтед Парсел Сервис» фирмасининг Шарқий Европа мамлакатлари бўйича директори Гильберт Докторов.

С. Михайлов сурати.



Янгиликлар — Воқеалар — Ҳужжатлар

ЧИҚИНДИЛАРДАН — ХАРИДОРГИР БУЮМЛАР

⊙ **«Узглавстройдревпром»нинг Тошкентдаги дурадгорлик буюмлари заводи чиқиндилардан фойдаланиб, маҳсулот тайёрлашни кўпайтирди.** Чиқиндилардан 25 номда халқ истеъмол моллари — теннис столлари, ўқлоқ—жўвалар ва шунга ўхшаш нарсалар тайёрлашмоқда. Тайёрланган буюмларнинг ҳаммаси сифатли, айни вақтда нархи ҳам қиммат эмас. Корхона йил охиригача жумҳурият савдо тармоқларига миллион сўмликдан кўпроқ оммавий моллар етказиб беришни мўлжалламоқда.

ИШЧИЛАРНИНГ ТАКЛИФЛАРИ АСОСИДА

⊙ **Тошкент экскаватор заводи деворга ўрнатиладиган чироқлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.** Қандилларнинг дастлабки беш юз дона тажриба туркуми биринчи куннинг ўзидаёқ сотилиб кетди. Завод ишчиларининг янги таклифи ҳаёт бўлди — улар қандиллар ва ваннахоналар учун ашёлар туркумини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишмоқчи. Бу ердан олинган юз минг сўмликдан кўпроқ халқ истеъмоли моллари савдога чиқарилади: булар телефон токчалари, шамдонлар, пастак юмшоқ курсилардир...

«ШОҲСАНАМ»ГА — ЯНГИЛИК ТАМҒАСИ

⊙ **Тошкент чинни заводининг олтин кишига мўлжалланган «Шоҳсанам» кофе сервизи билан ўнта идишдан иборат чой ичиладиган чинни асбоблар туркумига янглик тамғаси босилди.** Корхона жамоаси ярим йиллик якунларига кўра барча шартномавий мажбуриятларни бажарди, истеъмолчиларга 20 миллион сўмликдан кўпроқ мол етказиб берди.

Ташвишлантираётган муаммолар

Чет эл бизга мадад берадими?

Ғарб фирмаларининг вакиллари ҳайрон — дўконларда кир ювиш порошоги йўқ, уларнинг тақчиллигини бартараф этиш хусусидаги таклифларн эса жавобсиз қолмоқда.

«Валюта йўқ!» Иттифоқ химия ва нефть саноати министрлигидан «Узбитхим» ишлаб чиқариш бирлашмасига шу мазмунда телеграмма келди. Уни мана бундай талқин қилиш мумкин: бирлашма таркибига кирувчи Тошкент синтетик кир ювиш воситалари заводини реконструкция қилиш яна номаълум муддатга кечиктирилди. Умуман олганда, бу ерда асли бошқача жавобни кутишмаган ҳам эди.

Тошкент синтетик кир ювиш воситалари заводининг жамоаси термокда пешқадамлардан ҳисобланади, плантопшириқларини анча ошириб бажаради. Химия ва нефть саноати министрлиги ва тармоқ касаба уюшмаси Марказий Комитетининг Кўчма қизил байроқлари ҳамда зарбдор меҳнат вимпеллари — бунинг далилидир. Масалан, бу йил корхона планда белгиланганидан ташқари 600 тоннадан кўпроқ «Лотос», «Кристалл», «Био—с» кир ювиш воситаларини ишлаб чиқарди. Бу илгари Тошкентнинг иккй миллион аҳолиси учун бир ойга етарди.

Завод ўз лойиҳа қувватига кўра, йилига 30 минг тонна кир ювиш воситаси ишлаб чиқара олади. Хўжалик ҳисобининг иккинчи моделига ўтиш корхона меҳнат аҳлига ишлаб топилган даромаднинг асосий қисмини ўзида қолдириш имконини берди. Масалан, бирлашма ходимларини иқтисодий рағбатлантириш фондининг ўзига ҳозирнинг ўзидаёқ беш миллион сўмдан кўпроқ пул тушди. Бирлашма маъмурияти ва меҳнат жамоаси кенгашининг қарори билан кимёгарларнинг меҳнат ва маиший шароитларини яхшилашга қаратилган тадбирларнинг бутун бир туркуми ишлаб чиқилди.

Шу тариқа корхона кўп йил ишлаган ишчи сотиб олган кооператив квартира учун қайтарилишини талаб қилмаслик шарти билан дастлабки бадални тўлашни ўз зиммасига олади. Пенсияга кетаётган ишлаб чиқариш ветеранлари учун қайтариб берилмайдиган минг сўм пул ажратилди, ёш оилалар ҳам каттагина ёрдам пули олишади. Бундан ташқари, бирлашма ходимлари учун арзонлаштирилган тушликлар ва бепул кечки овқатлар ташкил қилинган. Корхона пионер лагерларига ва дам олиш уйларига оладиган барча йўлланмаларнинг ярмидан кўпроғи учун пулни касаба уюшмасининг кассаси тўлайди. Бу ердагиларга шундан ортиқ яна қандай фаровонлик керак?

Тубдан реконструкциялаш ҳаводек зарур — буни ҳамма тушуниб турибди. Ускуналардан фойдаланилаётганига йигирма йилдан ошиб кетди. Заводдагилар қувватларнинг 95 фоизидан фойдалана олаётганларини кўриб қойил қоласан, киши. Ҳолбуки, бу тармоқдаги ўртача кўрсаткичдан анча юқори марказий бошқарув пультида ҳамма нарса — хом ашё қанчадан ажратилаётгани, қанча газ берилаётгани, чиқарилаётган маҳсулот кафтдагидек кўриниб туради. Смена алмашадиган пайтга бориб, 29,7 тонна маҳсулот чиқарилгани таблода кўриниб турши керак. Аслида эса ҳар куни 33 тоннадан кам бўлмайди. Лекин барибир, бу камлик қнлаяпти.

Бир йил олдин мамлакат ҳукумати тақчил маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган учта ишлаб чиқариш бирлашмаси — «Эра» (Ленинград вилояти), «Сумгаитбитхим» (Сумгаит) ва бизнинг «Узбитхим»ни реконструкциялаш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Уларни чет элдан сотиб олинган энг янги технология билан жиҳозлаш кўзда тутилган. Ташқи иқтисодий алоқалар Иттифоқ министрлиги, Химия ва нефть саноати министрлиги, СССР Министрлар Кенгашининг озиқ-овқат ва харид комиссияси мазкур қарорнинг бажарилиши учун масъул бўлдилар. Хусусан, «Узбитхим» шу йилнинг ўзидаёқ «Кукунсимон синтетик кир ювиш воситалари» ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ускуналарнинг бир туркумини олиши керак эди. Манфаатдор фирмалар ҳам топилди. Улар бир йил ичида ускуналар етказиб бериш ва ишга тушириб юборишга тайёр эди. Бу кир ювиш воситаларн ишлаб чиқаришни икки баравар ошириш, унинг сифатини яхшилаш имконини берган бўлур эди.

Бозор иқтисодиётига ўтилаётганида бундай мол билан узилмасдан жаҳон бозорига ҳам чиқиш мумкинлигини ҳисобга олганда, бу — ийдирадиган таклиф. Тошкент синтетик кир ювиш воситалари заводида министрлик ваъдаларига ишониб «бўлажак» кир ювиш воситалари учун омборхоналар қурншга киришдилар. Хуллас, нима бўлди денг?

Юқорида айтилганидек, анъанавий «Валюта йўқ» деган жавоб олинди. Лекин ахир ҳукумат Ҳиндистон, Туркия, Эрондан бир йўла ўнлаб миллион долларлик чет эл совуни ва синтетик кир ювиш воситалари сотиб олишга валюта топди-ку? «Узбитхим»га эса ҳаммаси бўлиб атиги 20 миллион доллар керак.

...«Узбитхим» бирлашмасининг бош директори Г. Малишев қизиқарли статистик маълумотни мисол қилиб келтирди. Бизда ҳар бир кишига йилига ўртача 7 килограмм кир ювиш воситаси тўғри келади. Бу — Япониядаги билан бир хил. Лекин у ерда бир марта кир бўлгунча иккиб кейин ташлаб юборилдиган либослар расм бўлган, ГФР, Италия, Францияда синтетик кир ювиш воситаларидан фойдаланиш 10 — 12 килограммни ташкил этади. Кўрсаткичлардаги фарқ катта, буни шошилинч равишда бартараф этиш зарур. Шунинг учун чет эл фирмаларининг эгаларн ҳам ҳайрон — пештахталарининг бўшлигидан ким фойда кўраркан?

М. КИМ, ЎзТАГ мухбири.

ШАНБА ОҚШОМИДА

Меъмор лойиҳалари— амалиётга

«СЕМУРҒ» ҚАНОТИ



⊙ Саратоннинг жазирама кунлари бошланди. Тасаввур қилинг. Борлиқни кун бўйи қуёш ловиллаб қиздиради. Қуёш олтин баркаш бўлиб, уфқ ортига яшириниши билан салқин тушади, беғубор майин шабада эсади-ю, одамларни боғу роғларга чорлайди. Шундай дамда инсон кўнгли учун зарур бўлган чаман гулзор, роҳатбахш чой, оқар сув, дилкаш улфатлар базмига фалакиёт жавоҳирлари — ою-юлдузлар бетакрор файз бахш этади.

ШУ АЙНИ кунларда Қуёш Зодиак буржлари бўйича ҳаракат қиляпти. Саратон юлдуз туркумини ўзига макон қилган июль ойининг тунги осмонидан кеч кириши билан сайёралардан Утоурдни, тонг отарга яқин Зуҳрани, ойнинг иккинчи ярмида Муштарийни, ой давомида туни билан Мирриx ва Зуҳра юлдузларини кузатиш мумкин.

Июль ойида фалакда ажойиб ҳодиса юз беради. 22 июль куни Қуёш тўла тутилади. Бу ҳодиса Ватанимизнинг айрим жойларида тўла тутилиш, Тошкент шаҳримизда эса қисман Қуёш тутилиши билан кечади. Саратоннинг тунги осмонини безовчи яна бир ажойиб ҳодиса Акварид, Кассиопеид, Пегасид ва Персеид учар юлдузларининг оқимлари бўлиб, самонинг бу жавоҳирдек манзараларини 15 июлдан то ой охиригача кузатиш мумкин.

Шубҳасиз, юқоридаги ҳодисалар тўсатдан содир бўлмай, маълум бир тартибда ва ўз вақти-соатида рўй беради. Маълумки, вақт қадим замонларданоқ аждодларимиз эътиборини ўзига жалб этиб, ҳаёт мезони вазифасини ўтаган. Юз йил яшаган инсон ҳаётини қарийб уч миллиард секунд ташкил этади. Ҳар дақиқани ўз ўрни ва ўз ҳисоби бор. «Вақтинг кетди — бахтинг кетди», «Вақт — дард давоси, ҳақиқат меваси» каби халқ мақоллари бежиз айтилмаган. Саҳар, тонг, пешин, оқшом, кеч, кун, ҳафта, ой, йил, аср, давр — булар замонлар вақт меъёрлари бўлиб, уларнинг асосида ўзига хос даврийлик қонунлари ётади. Вақтнинг катта бўлакларини ўлчаш учун йилномалар, мучал усуллари ишлатилган бўлса, унинг кичик қисмларининг меъёрини аниқлашда турли-туман қурилмалардан фойдаланилган.

Тарихга бир назар ташлайлик. Кишилик тарихи давомида қуёш, қум, сув, олов соатлари, сўнгра механик-гилдиракли, оҳанграболи ва кейинчалик электрон кварц соатлари яратилди. Ҳозирги кунда эса инсонга вақт муаммосини ҳал этишда атом соатлари кўмаклашмоқда.

Вақтни аниқлаш қадимдан икки йўналишда ривожланган. Биринчиси, само ёритқичларининг ҳаракатини ўрганиш, иккинчиси турли-туман қурилмалар ёрдамида вақтни аниқлашдан иборат эди. Биринчи, услубнинг афзаллиги шундаки, унга жамият ҳаётидаги ўзгаришлар ва инсоннинг само ёритқичлари ҳаракатига таъсир эта олмаслигида. Иккинчи услубнинг ўзига хос афзаллиги, унинг инсон хоҳиши билан мутаносиблигида. Шубҳасиз, бу услублар бир-бирини тўлғазиб, уйғунлик ҳосил қиладилар.

Александриялик машҳур механик Ктезиб, милоддан 2200 йил аввал «Клепсидра» деб аталган сув соатларини ихтиро қилган. Қадимги Миср эҳромларининг бирида йилнинг ҳар бир кунига биттадан, жами 365 та клепсидра қўйилган ва уларнинг ҳар бирига биттадан коҳин тайинланган. Коҳинларнинг вазифаси йилда бир маротаба ўз идишлари — клепсидрани сут билан тўлғазиб, кун давомида унинг қандай ишлашини назорат қилиб туриш бўлган. Бу жараён, ҳозирги кундаги мавжуд «вақт хизмати»нинг ўзига хос ибтидоси эди.

1656 йилда голландиялик физик Христиан Гюйгенс, оҳанграболи соат ихтиро этди. Бундан икки юз йил олдин инглиз ҳукумати аниқлик жиҳатидан ҳеч бир соатдан камлиги йўқ ва кўтариб юриш мумкин бўлган соат ихтиросига 10.000 фунт стерлинг мукофот таъсис этади. Орадан юз йил ўтгандан сўнг инглиз Гаррисон ва француз Леру бир вақтда кемаларда, кўчманчилик шароитларида олиб юришга мўлжалланган денгиз хронометрларини ихтиро этадилар. 1921—24 йилларда инглиз инженери Уильям Шорт аниқлиги ниҳоятда катта, йилига 10 секунд хато қилиши мумкин бўлган соат кашф этди. Вақтлар ўтиши билан секуднинг мингдан бир улушича аниқликни берадиган энг яхши оҳанграболи соатлар ўрнини, секуднинг ўн мингдан бир улушича хато қилиши мумкин бўлган кварц соатлари эгаллади.

Аммо илм-фаннинг ривожланиши соатлар аниқлигини янада оширишни тақозо этди. Ҳозирги кунда кварц соатлари янада аниқроқ бўлган атом соатларига алмаштирилди. 300 йил давомида

Вақт сарҳисоби

ҲАР ДАҚИҚАНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

атом соатларининг хатоси бор-йўғи бир секундни ташкил этади. Атом соатлари вақтни фалакий соатларга қараганда миллион карра аниқроқ ифодалаши туфайли мамлакатимиз 1972 йилда фалакий вақтдан атом вақтига ўтди.

Қарангки, бир замонлар вақт Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши орқали аниқланган бўлса, замон зайли билан ниҳоятда аниқ атом соатлари ёрдамида Ернинг нотекис ҳаракати ўрганила бошланди. Табиат қонунларидан биламизки, фаслий ўзгаришлар, сув кўтарилиши-пасайиши, ер силкиниши каби ҳодисалар натижасида Ер сайёрамиз нотекис ҳаракат қилади. Оқибатда юз йилда Ер вақти кеча-кундузи секуднинг бир ярмига, миллион йилдан сўнг суткининг 15 секундига қўпаяди. Ҳисобларга кўра 240 миллион йил ўтгач Ер суткаси 25 соатни ташкил қилади.

Бир нарса ҳеч шубҳасизки, чархпалак бўлиб айланаётган Она-заминда ҳаёт давом этар экан, вақтни аниқлашнинг фалакий услуби давом этаверади. Чунки биз кундалик ҳаётда фойдаланадиган соат Ер куррасидаги ўзгаришлар билан бевосита ва билвосита боғлиқ бўлмоғи зарур.

Хўш, атом соатлари вақтни қандай ўлчайди? Атом соатларни ҳисоб боши қилиб шартли равишда 1900 йил 1 январь олинган бўлиб, бунда атом ва фалакий соат кўрсаткичлари бир хилда назарда тутилган. Лекин эртами-кеч улар ҳам фарқ қила бошлайди. Халқаро келишувга биноан фарқланиш қарийб бир секундга етганда, соат миллари бир секундга суриб қўйилади. 1979 йилнинг сўнгги минути 60 эмас, 61 секунд бўлганлиги учун 1 секунд қўшимча қилиб майтирилган бўлса, 1989 йилда эса аксинча етмайдиган 1 секунд қўшилди.

Вақтнинг ҳисоб-китобини фалакиётга тегишли илмий даргоҳлардаги «вақт хизмати» бўлимлари аниқлаб, сақлаб ва тарқатиб турадилар. 1929 йилдан бошлаб Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалакиёт институтида фаоллик кўрсатаётган «вақт бўлими»нинг хизматлари мамлакатимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган. Турмушда, ҳарбий ҳаракатларда вақтнинг аҳамияти муҳимлигидан фашист газандаларининг биринчи навбатда яксон қилиниши керак бўлган рўйхатда «вақт хизмат»лари ҳам бор эди. Улуғ Ватан уруши бошланишидаёқ мамлакатимизнинг 14 та фалакиёт институтларидан 8 таси ўз фаолиятини тўхтатди. Ана шунда Ўзбекистон фалакиёт институтининг «вақт хизмати» бўлими мамлакатни аниқ вақт билан таъминлаб турувчи ягона даргоҳ бўлиб қолди.

Ҳаракатланаётган жисмларда вақт тинч турган жисмлардагига нисбатан секинроқ ўтаркан. Агар самовий кема тезлиги ёруғлик тезлигига яқин бўлса, кемада вақт юз марта секин кечар экан, яъни тезлик ошган сари вақт секинлашади ва аксинча тезлик сусайган сари вақт тезлашади. Замонлар ўтиши билан бу кун шитоби келажак умидн — вақт ўз сир-асрорларидан кишиларни янада кўп воқиф этишига шубҳа йўқ.

Сандбаҳром АЗИЗОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалакиёт институтининг илмий ходими.





Халқимиз маънавияти

Муллакичкина топилмалари

⊙ Халқ тарихи ва маданий ёдгорликлари шу халқнинг маънавий бойлиги ҳисобланади. Ойбек номидаги Ўзбекистон ССР халқлари тарихи музейида бунга катта эътибор бериб келинмоқда. Бу йилги режа асосида Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳри ва районига май ойида илмий-қидирув экспедицияси ташкил этилган эди. Музей катта илмий ходимлари М. Султонов, К. Турсуналиев ва автобус ҳайдовчиси М. Турсуновлар иштирокидаги бу экспедиция яқинда сафардан қайтди.

ЭКСПЕДИЦИЯ давомида Каттақўрғон шаҳри ва унинг атрофидаги Каллиқўрғон, Муллакичкина, Каттатепа, Янги қўрғонча қишлоқларида бўлиб, тарих ва маданиятга оид кўплаб экспонатлар тўплашга эришилди. Тўпланган буюмлар орасида ўтган аср ва шу асрнинг бошларида маҳаллий аҳоли ишлатиб келган мис қумғон ва чойдишлар, мис баркашлар, киймлар намуналари, уй безакда ишлатилган ойна халта, чой халта, игна халта каби каштачилик буюмлари, аёллар безакларидан намуналар топишга муваффақ бўлинди.

Қидирув-изланиш пайтида бир ҳолни кўриб афсусландик. Асримиз бошида йирик ҳунармандчилик маркази бўлган Каттақўрғон шаҳрида шу кунларда фақат темирчилик, элакчилик, сандиқчилик, дўппи ва аҳоли дидига мос келадиган кийим-кечак тикишгина фаолият олиб бормоқда.

Сафар мобайнида музей фонди учун ана шу сақланиб қолган ҳунармандлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар — ўроқ, теша, кетмон, қозиқ, буров, бигиз, элак, ғалвир, чакич, киймлардан калтача, чопон, тўн, белбоғлар, пойабзал намуналари йиғилди.

Чорвадор аҳоли ҳунармандчилигининг намуналари сифатида «чумчуқ кўз» жун, гилам, жун хуржун ва жундан тўқилган дастурхонлар ва бўғжомалар олинди.

Музей ходимлари шу кунларда бу буюмларни илмий-тадқиқ этиш ва уларни халққа намойиш қилиш борасида иш олиб боришмоқда. Музейда экспедиция натижалари бўйича кўргазма ташкил этилади.

Маннон СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон ССР халқлари тарихи музейининг катта илмий ходими.

Чилла ташвишлари

ЖЎМРАКНИ БУРАСАНГИЗ БАС...

⊙ ДОВ-ДАРАХТЛАРНИ ҚАНДАЙ СУҒОРИШ КЕРАК?
⊙ ХЎЖАСИЗЛИК ҲУКМ СУРГАН 350 МИНГ КУБ МЕТРЛИ АНҲОРЛАР.
⊙ БЕЛГИЛАНГАН НОРМАДАН ЧИҚМАЙЛИК, КОРХОНАЛАР ЎЗ СУВ МАНБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНСИН.

«Водоканал» трести бошлиғи З. Т. Солиҳўжаев билан суҳбатимиз «Тошкент оқшоми» рўзномасига келган хатлар асосида бошланди. Бундай хатлар анчагина эди. Уларда шу куннинг энг муҳим муаммоларидан бири — совуқ сув таъминоти, фақат уй-жойларнигина эмас, балки ерга қадалган жамики дов-дарахт ва гулларни ёзнинг жарима чилласида доимо сув билан таъминлаш муаммоси кўтарилган. Бу ерда биз бу хатларни номма-ном келтириб ўтмадик. Аммо бир нарса аниқ: жойлардан бўлаётган қўнғироқлар ва рўзнома почтасидаги хатлардан шу нарса яққол кўриниб турибдики, халқимизнинг сув билан ҳаводек зарур, деган ибораси бежиз айтилмаган кўринади.

—Чилла кирди, ёзнинг энг жазирама палласи бошланди,—деди Зокир Тўраевич,—шаҳарга икки миллион 200 минг куб метр ичимлик суви ҳар куни етказиб берилмоқда. Бу эса ўртача ҳар бир киши 950 литрча сув истеъмол қилади, демакдир. Бу эса белгиланган нормадагидан бир неча марта кўпдир. Айни пайтда баъзи районлар ва маҳаллаларда сув таъминоти борасида узилишлар бўлиб турибди. Бунинг сабаблари жуда кўп. Улардан бири—турар жойларда, жамоат ва ишлаб чиқариш бинолари да санитария-техника жиҳозларининг яхши созланмаганлигидадир. Уй-жой ташкилотлари ана шу санитария жиҳозларининг созми-носозлигини кузатиб туришлари керак бўлсада, амалда бу ишдан кўз юммоқдалар.

Шу йилнинг май ойида текшириш ўтказилди. Бунда шу нарса маълум бўлдики, Киров районидаги 7-турар жойлардан фойдаланиш участкасининг уй-жойларида санитария-техника жиҳозлари носозлиги оқибатида 50 фоиз сув исроф бўлаверган. Собир Раҳимов районидаги 1-уй-жойлардан фойдаланиш идорасига қарашли уйларда 41 фоиз сув, Чилонзор районидаги 2-турар жойлардан фойдаланиш участкасида 38 фоиз, Ҳамза районидаги 75-уй-жойлардан фойдаланиш участкасида 37 фоиз сув исроф бўлаверган. СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг турар жойлардан фойдаланиш бўлимига қарашли уйларда 49 фоиз асбоб-ускуналар, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг 7-уй-жойлардан фойдаланиш идораси 37 фоизи, Тошкент темир йўл бўлимига қарашли 2-участкада 39 фоизи носоз бўлиб, улардан сув оқади. Бундай хўжасизлик оқибатида ҳар куни 130—150 минг куб метр водопровод суви исроф бўлаяпти.

Бундан ташқари хўжасизлик оқибатлари бошқа нарсаларга ҳам таъсир қилмоқда. Масалан, канализация системасининг «юки» ҳаддан зиёд ошиб кетаяпти. Табиатни муҳофаза этиш-тозалаш иншоотлари «юки» ҳам кўпайиб кетмоқда. Бу эса ўз навбатида шаҳарда оқар сувларни тозалаш сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатаяпти. Бир қарашда майдадек туюлган бу хўжасизлик оқибатида тома-тома кўл бўлур деганларидек, жуда катта оқим ҳосил бўляпти. Бу фақат моддий йўқотишгина бўлиб қолмай, шаҳарнинг экологик аҳволига ҳам таъсир кўрсатаяпти.

Иккинчи муаммо — уйларга ичимлик сув беришдаги узилишлардир. Бунинг сабаби дов-дарахтларни, йўлка ва йўлларни ўша ичимлик суви билан суғориш ва ювиб-тозалашдир.

Суғориш, гидротехник иншоотлар ва кўкаламзорлаштириш махсус ремонт-қурилиш трести авваллигидек бир қатор чора-тадбирлар кўраётганига қарамай суғориш тармоқларига сув бериш муаммолигича қолмоқда. Оддий шаҳарсозлик қонун-қоидаларига кўп йиллар давомида риоя қилинмаганлиги оқибатида кўпгина суғориш тармоқлари ягона суғориш системасига уланмаган.

Масалан, Юнусобод, Високовольт, Қорасув турар жой даҳаларидаги суғориш тармоқлари ишламаяпти. Октябрь районида эса эски ариқлар ўлда-жўлда ётибди. Сергели районида дов-дарахтларни суғориш масаласи мутлақо ҳал этилмаган. Ҳолбуки унинг турар жой мавзелари жуда яхши унумдор ерларда қад кўтарган. Ленин районидаги Стародубцев, Шумилов, Мунис, Билимдон кўчалари, Ҳамза районидаги Каракульская, Петров, Миршаропов, Алиев, Ленинчи, Айриев, Радость кўчалари, Фрунзе районидаги Народная, Фасадная, Краснофлотская, Алтайкая кўчалари, Собир Раҳимов районидаги Янгиш, Ленточная, Омонат ва бошқа кўчаларда йиллар давомида суғориш учун сув берилаётир.

Фақат сўнгги йиллардагина 7, 8, 8 а Сергели даҳалари, Қўйлиқ — 5, 6, «Алгоритм», Калинин даҳалари фойдаланишга топширилди. Бу ерларда қанчадан-қанча темирбетон ариқлари, инженерлик иншоотлари ва бошқа сув иншоотлари қурилиб, уларга минглаб сўм сарфланди. Бироқ юқорида биз тилга олиб ўтган даҳаларнинг биротасида ҳам суғориш тармоқларида сув йўқ. Кўплари аллақачон бузилиб кетган, чиқиндилар билан тўлиб-тошган, қисқаси давлат пуллари шамолга совурилди.

Кўпгина хусусий уйларнинг хонадонлари ўз томорқаларида гуллар, сабзавот маҳсулотлари етиштиришади. Иссиқхоналари ҳам бор. Уларни суғориш учун жуда катта миқдорда водопровод суви исроф этилаяпти. Айниқса, Киров, Куйбишев, Ҳамза районларида бундай ҳоллар кўп. Аммо энг аччиқлиси, суғориш тармоқларида ва ариқларда сув бўлишига қарамай аҳоли ичимлик сувини суғоришга сарфламоқда. Негаки шундай қилиш одат тусига кириб қолган ва анча қулай ҳам. Юқори қаватдаги қўшнилар эса соатлаб ўзларининг рўзғорлари учун сув слишолмайди.

Ҳисоб-китобларга қараганда шаҳар бўйича ҳар куни 180—220 минг куб метр сув суғоришга сарф бўлар экан.

— Сизнингча, қандай амалий таклифлар бор, Зокир Тўраевич?

— Дов-дарахтларни суғориш учун метрополитеннинг ерости қудуқларидан фойдаланиш мумкин. Ҳозирча эса, у очиқ сув ҳавзаларига мақсадсиз равишда оқизиб юборилмоқда. Ичимлик сувини тежаш мақсадида бизнинг суғориш системамиздаги сув билан эмас, балки шаҳар анҳорларидаги сувдан суғорадиган машиналарни тўлдиришни амалга ошириш керак. Масалан, нега анҳордан ана шу машиналар сув олиши мумкин эмас? Бинобарин, бу ерга бир неча насос станциялари қўйилганки, у ҳеч қандай ортиқча сарф-харажатларни талаб этмайди.

Шаҳар сув хўжалиги идораси ҳам бу ишда ёрдам бермоғи керак. Агар унинг ходимлари Яланғоч ариғини тартибга келтирганларида ва унга сув берганларида эди, Циолковский кўчасининг аҳолиси ўз томорқаларини ва иссиқхоналарини бемалол суғоришган бўларди. Айни пайтда ичимлик суви анча тежалган бўларди.

Умуман, мана шу ишларга даҳлдор ташкилотлар етилган муаммоларни ҳал этиш учун ўзаро кучларини бирлаштиришлари керак.

— Тошкентнинг ҳар бир аҳолиси бир пиёла мўлдек сув ичар экан, гоҳида унинг баҳоси қанча экан-а деб қизиқади. Водопровод жўмракларини бураганда сув қанчалар йўл босиб ўтиши ҳақида ҳамма ҳам бош қотиравермаса керак.

— Шаҳарни ичимлик суви билан кечаю-кундуз таъминлаб туриш учун 250 киши—ишчилар, техниклар, муҳандислар, врачлар, бошқа кўплаб мутахассислар иш олиб боришади. Ҳар йили 200 миллион киловатт-соат электр қуввати, 3 минг тоннагача қимматбаҳо хлор ва бошқа кўпгина материаллар сарфланади. Бизнинг мамлакатимиз бошқа мамлакатларга қараганда ичимлик сувга бойлиги жиҳатидан салмоқли ўринда туради, бироқ ҳозироқ кўпгина шаҳарларда ичимлик сув таъминоти қатъий соатбай тарзда ўтказилган. Сувни ана шундай тарзда Андижон, Қарши, Олмалиқ, Самарқанд аҳолисига узатиш ҳолисона қийинчиликлар туғдирмоқда. Тошкентда бундай чеклашлар йўқ. Аммо бу шаҳарликлар сувни тежамаслиги керак, деган маънони асло билдирмайди.

— Сиз буни фақат шаҳарликларнинг эътиборсизлигида деб ўйлайсизми?

— Йўқ, албатта. Корхоналарда, қурилиш ва транспорт ташкилотларида ичимлик сувини жиддий исроф қилишлар мавжуддир.

Масалан, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг корхонани ўз сув манбалари ва сув таъминоти системасига ўтказиш тўғрисидаги қарорини тўла бажармаяпти. 1989 йилда ва шу йилнинг дастлабки 3 ойида сув белгиланганидан 305,9 минг куб метр ортиқча сарф этилган. Самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси эса 2 миллион 132,2 минг куб метр, «Тошкент» кабель корхонаси 4 миллион 787 минг куб метр, «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси 321,6 минг куб метр, «Ўзбекистон» — 753,5 минг куб метр, Тошкент қурилиш Бош бошқармасининг «Промэнерго» ташкилоти 1 миллион 874,7 минг куб метр, «Ўртоқ» фабрикаси 261,4 минг куб метр сувни ортиқча сарфлашган.

Ҳозирги вақтда шаҳардаги барйўғи 106 корхонагина ўз сув таъминоти манбаларига — 175 артезиан қудуқларига эга. Бироқ уларнинг ҳаммасидан ҳам самарали фойдаланилаётгани йўқ. Тошкент тўқимачилик комбинати, «Миконд», «СССР 50 йиллиги» номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ўз сув манбаларидан оқилона фойдаланаётганлигини мисол қилиб келтириш мумкин. Аммо самолётсозлик, кабель, лак-бўёқ, «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмалари ва шаҳарнинг кўпгина корхоналари ўз сув манбаларидан ўта қониқарсиз фойдаланишяпти. Улар асосан шаҳар водопровод системасидаги ичимлик сувини чегарадан чиқиб сарфлашга кўз тутмоқдалар.

Шаҳар саноат корхоналарида ўз сув таъминоти системаларини яратиш ишлари қониқарли олиб борилмаяпти. 1.300 та катта-кичик корхонадан бор-йўғи 41 таси ана шундай системага эга.

Суҳбатдош О. ҲАСАНОВА.

ШИФОБАХШ МУОЛАЖАЛАР

⊙ ЯНГИ қурилган тўрт қаватли биноға яқинда бу поликлиника кўчиб ўтди. Чиндан ҳам «Главташкентстрой» медицина-санитария қисмига қарашли марказий поликлиника эндиликда турли муолажалар олиб бориш учун қатор қулайликларга эга бўлди.

Шифобахш даргоҳ кунига 1200 кишига тиббий хизмат кўрсата бошлади. Биноқорлар билан бирга уруш ва меҳнат қариялари ҳам шифокорлар муолажасидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Поликлиниканинг тадқиқот муассасалари билан алоқаси янада кенгайди. Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳининг икки кафедраси унинг базасида кадрлар тайёрлаш имконига эга бўлди. Шунингдек, икки тиббиёт билим юрти, Тошкент шаҳар шифокорлар малакасини ошириш институти поликлиника жамоаси билан яқин алоқада фаолият кўрсатмоқда.

Тиббий билимларни ва илғор тажрибаларни кенг ёйишда поликлиника ҳузурида очилган лекторийнинг хизмати катта бўлмоқда. «Профессор маслаҳати» хонаси ҳам ташкил этилди.

Поликлиниканинг эртанги куни янада истиқболлидир. У даволаш ишларида қўлланиладиган мураккаб асбоб-ускуналар билан янада кенг жиҳозланади. Эндоскопик ва ультратовушли диагностика қурилмаларини ўрнатиш кўзда тутилди. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги бу борада амалий ёрдам кўрсатиш тадбирларини белгилади.

Акбар АЛИЕВ.



⊙ ЕШ ДУТОРЧИЛАР. Шаҳримиздаги 28-мусиқа мактабида миллий санъатимизнинг бир неча турлари бўйича машғулотлар олиб борилмоқда.

СУРАТДА: навбатдаги машғулот пайти.

Р. Шарипов сурати.

ШАНБА ОҚШОМИДА

«НИМАИКИ ГЎЗАЛ— АХЛОҚИЙДИР»

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Агар делегат сифатида шу олий минбардан туриб гапиришга тўғри келса қандай таклифларни ўртага ташлаган бўлардингиз?

— Она сифатида аёлларга кўпроқ эрк берилишини истардим. Сабаби биз эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳақида ҳар қанча оғир кўпиртирмайлик, барибир кундалик турмуш икир-чикирларини бажариш кўпроқ аёллар зиммасига тушмоқда. Санъаткор сифатида эса маданиятимиз ҳақида гапирардим.

Мени узоқ вақтдан бери бир нарса ўйлантириб келади. Билмайман, биз қачонгача рақамлар орқасидан қувамиз. Томошабинларни фоизлар билан ҳисоблаймиз, спектаклларни план билан бажарамиз. Бизда пул ва даромадларни ҳисоблаш расм бўлиб бораяпти. Бир жиҳатдан тўғри. Чунки ҳаёт шуни тақозо этаяпти. Аммо биз ҳисоб-китобларга берилиб кетиб, ҳамма нарсани пул билан ўлчаб бўлмаслигини, шундай нарсалар борки, уларнинг фойдаси шу жумладан, пул кўринишидаги фойдаси дарҳол кўзга ташланмаслигини ўнлаб йиллардан сўнг, авлодлар ўзгаргандан сўнг ўз самарасини беришини унутиб қўяяпмиз. Фойдани кўзлаб маблағларни сарфлаш керак бўлган энг қулай тармоқлардан бири — бу ўз халқининг маданиятидир.

Ҳозирги кунда бизда санъат муассасаларини хўжалик ҳисобига ўтказиш ишлари бормоқда. Бизда шундай театр ва концерт ташкилотлари борки, унчалик катта ижодий мушкулликсиз ҳам бундай шароитларда ишлашлари мумкин. Аммо кўпчилик жамоалар ё ўз фаолиятларини тўхтатишга мажбур бўладилар ёки томошабинлар дидига мослашадилар. Бу дид эса унчалик талабчан эмаслигини биламиз. Чунки бизда дидни тарбияламайдилар, санъатни тушунтирмайдилар.

Бизнинг қандай шароитда яшашимизга бир қаранг. Биз ўзимизни ўтдан сувга ташлаяпмиз. 70 йил биз ўз маданиятимизни йўқотиб, Европа маданиятига яқинлашишга ҳаракат қилдик. Бу борада айтарлик ютуқларга эришганимиз йўқ. Аммо миллий маданиятимизни йўқотишда кўп нарсаларга эришдик. Энди эса бошқа томонга, ўзимизни ураяпмиз. Миллий маданиятни қайта тиклаш ҳақида баландпарвоз шиорлар эълон қилаяпмиз. Лекин ишимиз натижаси самарали бўляпти, деяолмаймиз. Бунинг ҳаммаси нимадан? Айтайлик мамлакатимизда беш йилдан бери қайта қуриш бораяпти. Аммо шу давр мобайнида мамлакат ва жумҳурият раҳбарларининг маърузаларида театр тилга олиндими? Агар олинса ҳам фақат театрлардаги икир-чикирлар барча театрларга бирдай тегишли бўлган ўзаро ички, ахлоқий-психологик муҳит ҳақида гап боради, холос.

Мен шунга аминманки, маданиятга сарфланадиган ҳар қандай харажатлар юз карра бўлиб қайтиб келади, халқ маънавий жиҳатдан соғломлашади.

— Зеро, гап маданият ҳақида борар экан, бир нарсани таъкидлаб ўтиш лозим. Кўпдан бери халқ орасида театр— тарбия маскани, деган гап юради. Бу тушунчага сиз қандай қарайсиз?

— Бир донишманд «Нимаки гўзал экан — ахлоқийдир», деган экан. Бу фикрни ривожлантириб шуни айтиш мумкинки, театр ҳам инсон учун улуғвор гўзаллик ҳисобланади. Шундай экан у энг аввало ёшлар учун тарбия маскани бўлиб хизмат қилмоғи керак. Бу масканда бўлган ҳар бир киши нимадандир ўзича лаззат олсин, ҳаётга муҳаббати, дўстларга эътиқоди, ота-онага бўлган ҳурмати ошсин. Лекин бу фақат гап билан битадиган иш эмас. Театрларимиз репертуарлари шунга яраша бой бўлиши керак. Санъаткорларимизнинг ички ҳолати, чиҳакам маҳорати, уларнинг қирраларини очиб берадиган спектакллар керак. Афсуски, бу борада мақтангудек эмасмиз. Ҳамон саҳналаримизда ўрта миёна асарлар ўйналиб келинмоқда. Кинодраматургиямизда ҳам йиллар давомида яратилган 3—4 та асарларни айтмаганда ҳали ярқ этиб кўзга ташланадиган сценарий йўқ. Замондошларимиз ҳамон «Тоҳир ва Зуҳра», «Алишер Навоий», «Ўтган кунлар» каби асарларга муҳтож. Бу кинофильмлар ҳар жиҳатдан ёшларга маънавий озуқа беради.

Умуман, ёшлар тарбияси хусусида гапирганда бир мисол келтирмоқчиман. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлари»да бир яхши лаҳза бор. Кундоши томонидан заҳарланган Кумушбиби ўлим тўшагида алаҳлаб ётибди. Замона зулмидан ўртанган Отабек унга ўзича тасалли беради. Шу вақт ташқаридан «Отабек...» деган илтижоли овоз эшитилади. Бу овоздан Кумушбиби сергак тортади. Чунки бу қайнотаси Юсуфбек-хожининг овози эди. У не азобда ётганига қарамай Отабекка: «Бегим қаранг, сизни дадам чақираяптилар» дейди. Бу ўша бечораҳол қайнотага, аёлнинг эрга бўлган ҳурмати ифодаси эди. Қарангки, бу ҳурмат ўлимдан ҳам кучли. Чиройли кўриниш, чиройли саҳна. Ундан ёшлар ҳар қанча ибрат олсалар арзийди. Мен катталарга ҳурматни мана шундай деб тушунаман. Билмадим, ўша ролни кинода ўзим ўйнаганим учунми, у менинг энг қадрли образларимдан бирига айланиб қолгани учунми, орадан йиллар ўтса ҳам шу саҳна кўз олдимдан сира нари кетмайди.

Биз неча йиллардан бери болалар боғчаларида ёшларни санъат, гўзаллик ичида бўлишлари, уларни маданият доирасида ўсишлари учун ғамхўрлик қилиш ҳақида гапириб келамиз. Бу эса уларни едириб-ичиришдан кўра муҳимроқдир. Мактабларда эстетика дарслари шу пайтгача ўтилмайди. Айниқса у қишлоқ мактабларда жуда зарур. Ахир қачон гапдан амалий ишга ўтамиз.

Шу ўринда ота-оналарга айтадиган гапим ҳам йўқ эмас. Халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади» деган мақол бор. Ахир болаларимиз ахлоқ ва одоб тушунчасини ота-оналардан ўрганадиларку! Уларга бу йўлда биз ибрат бўлмасак, ўқитувчилар ибрат бўлмаса бечора ўсмир нима қилсин? Қачонки, у уйдан ҳам, мактабдан ҳам қўлини ювиб қўлтиғига ургандан кейин югуриб қоламиз. Унинг характерига турли уйдирмаларни тиқиштирамиз. «Тарбияси бузуқ» деймиз, «Тарбияси қийин» деймиз. Хўш, бундай характерлар унда қайдан ва қачон пайдо бўлди? Буниси билан ишимиз йўқ. Бир ҳақиқатни унутмаслигимиз керак, ҳеч бир ота-онадан ёмон бола туғилмайди ва туғилган эмас.

— Коммунист сифатида айтингчи, партияда танглик деб аталган ҳозирги ҳолатдан қандай чиқиш мумкин?

— Фикримни айтишдан олдин Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида тилга олинган ушбу маълумотни келтирмоқчиман. **«1985 йилга нисбатан Ўзбекистон Компартиясининг сафи умуман 22 минг кишига кўпайган бўлсада, республика партия ташкилоти таркибидаги коммунист ишчилар 7 минг кишидан зиёдроқ камайди. Бултур аъзолик бадалларини тўламаганлиги ва партия ташкилотлари билан алоқани узганлиги сабабли КПСС сафидан чиққан кишилар қарийб икки ҳисса кўпайди».** Агар бу ҳолат давом этаверса биз ҳали-вери тангликдан қутила олмайдиган кўринамиз. Ундан қутилишнинг биргина йўли бор, у ҳам бўлса коммунист эътиқоди. Партияга эътиқодли коммунист ҳеч қачон ўз сўзига, берган қасамига хиёнат қилмайди. Яна бир нарса раҳбар-коммунистлар зиммасига талабни кўпроқ қўйиш керак.

— Охирги савол: миллатлараро дўстлик ҳақида...

— Биз кўп миллатли оилада яшаймиз. Биргина бизнинг жумҳуриятимизда қадим замонлардан бери неча ўнлаб миллат фарзандлари аҳиллик билан ёнма-ён яшаб келишмоқда. Ўзбек халқи эса ҳамиша барча миллат ва элатларга ҳурмат ва эҳтиром билан қараб келган. Ниятим ана шу дўстликка ҳеч қачон раҳна тушмаса. Бунинг учун барча миллатларнинг бирлигини мустаҳкамлаш учун маънавий ва сиёсий муҳитни яратиш лозим. Ўйлайманки, КПСС-нинг XXVIII съездида ҳам бу борада муҳим қадам қўйилади.

Суҳбатдош Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Ёдномалар

ОҲАНРАБОЛИ ИНСОН

ЙЎЛДОШ Охунбобоевнинг бутун ҳаёти ўз халқига фидокона хизмат қилиш намунаси бўлди. У она-Ватан, Коммунистик партияга чексиз садоқат намунани кўрсатган инсондир.

У ҳақиқий коммунист эди. Ҳамиша халқ орасида бўлар, одамлар унинг жон-дили эди. У халқдан кўп нарса ўрганар, давлат ишларида халқдан олган бой тажрибаларидан, халқ донолигидан фойдаланарди. Халқ ҳам уни яхши кўрар ва яқиндан билар эди. Й. Охунбобоев ўзининг бутун ҳаётий тажрибалари, ташкилотчилик ва раҳбарлик истеъдодини республика саноатини, пахтачилиги ва ҳаммаданиятини ривожлантириш бағишлади. Ўша пайтда Ўзбекистонда Й. Охунбобоев кишиларни катта ишларга сафарбар этилган бирон жойни учратиш қийин эди, у ҳамиша одамларга ўзи ишда намуна бўларди.

Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг Раиси сифатида у жаҳонда телевидение тўғрисидаги ҳукумат қарорига имзо чеккан дастлабки давлат аъзоби бўлган эди. У Тошкентда Шахонтоҳурдаги уйида лаборатория барпо этган Б. Грабовскининг орзусига муносиб баҳо берди. Ҳа, Йўлдош ота ўша пайтдаёқ бунинг аҳамиятини тушуниб етган эди. Шунинг учун ҳам телевидениенинг қанчалик муҳим ўрин тутиши мана бу сўзлар билан бошланувчи ҳужжатда ҳам ўз ифодасини топди: «Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг Раиси ўртоқ Охунбобоев таклифи асосида» ҳа, ана шу таклиф асосида Тошкент дорилфунунининг олимлар кенгаши, шунингдек Ильич номли завод ишчилари ёрдамида ҳамда Ленинграддаги «Светлана» заводининг жамоаси қўллаб-қувватлаши натижасида бу яхши ташаббус амалга ошди. 1928 йилда «ойнаи жаҳон»да биринчи тасвир пайдо бўлди.

Улуғ Ватан урушининг суронли йилларида Й. Охунбобоев республикамизга кўчириб келтирилган завод ва фабрикаларни жойлаштириш ва ишга тушириш ишида фаол иштирок этди. Мамлакатнинг душман босиб олган районларидан келган одамлар тўғрисида оталарча ғамхўрлик қилди. Бу ҳақиқий байналмилалчилик, мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлиги ифодаси эди.

Йўлдош Охунбобоев уруш йилларида соғлиғи ёмонлашганига қарамай, оташин йотиқ, омманинг толмас ташкилотчиси сифатида нутқлар сўзлар, халқни немисфашист босқинчиларига қарши фидокорона курашга чорлар эди. 1941 йилнинг қиш даврида, яъни душман Москвага ҳавф солиб турган бир пайтда у Ўзбекистон меҳнаткашларининг делегациясига етакчилик қилиб, Ғарбий фронтга борди, ўзбекистонлик жангчиларни жасорат кўрсатишга ундади.

Биз Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми аппаратида бевосита Йўлдош Охунбобоев раҳбарлигида ишлашдек бахтга муяссар бўлганмиз. Йўлдош ота ҳар бир ходим билан хотиржам, осойишта, гоҳида юракдан чиққан бир эҳтирос, ҳаяжон билан гаплашар эдилар. Шу нарса яхши эсимиздаки, у халққа мурожаат қилиб, оташин нутқ сўзлаганида барча тўпланганларнинг қалбида зўр акс садо берар эди. Ҳа, у самимий, оҳанраболи инсон эди. У ҳар бир кишининг қалбига йўл топар, кишини руҳлантириб юборар, унинг қалбида яхши орзу-умидлар уйғота билар эди.

Кишилар унда қанчалик инсоний ҳарорат, ҳурмат-эътибор, самимийлик кўрдиларки, унинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати ва сўзи ана шундай илиқлик билан йўғрилган эди. Масалан, у бирон киши билан суҳбатлашар экан, унинг кўзларига мулойим ва самимий боқарди.

У жуда хушчақчақ, доимо бардам-тетик киши эди. Ҳамиша ҳазил-мутойибага мойил, қаерда нимаики воқеа бўлмасин унга ҳамиша қизиқиш билан қарарди.

Таваллуд топганлигининг 105 йиллиги кунида ҳам у бизнинг хотирамизда қайноқ куч-ғайратга тўла, кучли иродали ва доно инсон сифатида сақланиб қолди.

Соат МАҚСУДОВ,
Ёқуб МОРДУХАЕВ,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг собиқ хизматчилари, ҳуқушунослар.



Халқ бахтини куйлаган шоир, халқ қалбида яшайди доим.

Р. Шарипов сурати.

Келинг, бу ҳақда ўйлаб кўрайлик

«УМРИМИЗ ТУГАЛ, УНИ ЕЛГА СОВУРМАНГ»

МЕН хизмат тақозоси билан Наманган вилоятидаги Норин шаҳрининг 4-мактабида «Соғлом турмуш тарзи» мавзусида маъруза қилгандим. Мактаб муаллимларига «Орангизда кимлар курорт, санаторий, дам олиш уйлари, пансионат ёхуд туристик базаларда дам олган?», деб берган саволимга 40 нафарча ўқитувчидан бирортаси ҳам бундай саломатлик масканларига бормаганлигини билдирди.

Қаранг, биз ҳаёт учун талпинамиз, яшашга ошиқамиз, зурриёд қолдириб, фарзандларимизнинг иқболига пешвоз чиқишга ҳаракат қиламиз, уларнинг фароғатда яшашини орзу этамиз, бироқ бундай покиза умидларимизнинг ушалишига бевосита боғлиқ бўлган ўз саломатлигимизни ардоқлаш эсимизга ҳам келмайди.

Кези келганда донишманд Сенеканинг қуйидаги гапларини келтириб ўтишни жоиз ҳисоблайман. У: «Ҳеч ким умри қисқа бўлиб туғилмайди, уни ўзимиз қисқартирамиз; умримиз тугал, аммо уни биз елга совурамиз. Агар оқилона фойдаланилса, умр жуда узоқ нарса», деганди.

Сир эмас, азамат халқимизнинг зироатчиликда, бунёдкорликда, илму фанда, умуман, ҳаётнинг барча жабҳаларида заҳматкашлигини биламиз. Бироқ инсониятга хос мазмунли дам олиб, маданий ҳордиқ чиқариш аксарият кишиларга насиб этавермайди.

Шу йили Қашқадарё вилоятидаги Муборак шаҳрида «кўринмас хазина»бонларимиз бўлмиш газ билан бевосита ишлайдиган кишиларнинг саломатлиги билан танишар эканмиз, ўша ерда қайд этилган қон босими «фалак»да бўлган кишилардан қандай дам олиш орзусида эканлигини сўраганимда, уларнинг бири «Уйни эпақага келтиришим керак, таъмирталаб бўлиб турибди», дейди, бошқаси «таътилдан фойдаланиб, ўғлимни уйлантирмоқчиман», деб хўрсинади.

Шуни минг афсус билан айтиш керакки, инсон саломатлиги — бу табиат тортиқ этган метин буюм эмас, балки у шундайин нафиски, киши ўз вақтида дам олмаса, хаста аъзоларини даволатмаса, унинг саломатлигига путур етиб, тузатиб бўлмас асоратларга дучор бўлиши мумкин.

Бизнинг халқимиз аксарият ҳолларда хасталиги пўртана уриб кетиб, газак олганидагина шифокорга мурожаат этади. Тақдир тақозоси билан шифохонага тушган бўлса-да, муддатидан олдин чиқиб кетишга ҳаракат қилади. Дарди ҳали тўлалигича шифо топмаган бўлса ҳам «Дўхтур, тузукман, уйга бора қолай, болаларимнинг ҳоли нима кечаётганикин» қабилида яна боласини ўйлайди. Тавба, дейсиз гоҳида. Айрим кишилар хасталиги натижасида вақтинчалик «касаллик варақаси» кафолатида уйда даволанадилар, бироқ бу даврда ҳам уй, хўжалик юмушлари билан банд бўладилар.

Ҳаётий лавҳа: касаллик варақаси билан уйида ётган шифокорнинг ўзини муассаса ходимлари кўргани боришганда, бемор нақ пешона тешадиган офтоб нури остида помидор чопиқ қилаётганини кўришади.

Ҳа, ҳаёт ташвишлари битмас-туганмас. Бироқ саломатликни қадрлаш, уни муҳофаза қилиш ҳам зарур.

Тўғрисини айтганда, йил давомида инсон меҳнат жабҳасида фаоллик қилар экан, қанчалик унинг асаб тори мустаҳкам бўлмасин, у маълум даражада таранглашади, асаб чигилларини ёза билиш амали эса тадбиркорликни талаб этади.

Айни ёз палласида, аксарият кишилар дам олиш учун шароитга эга бўлгач, ўлкамизнинг оромбахш жойларида, сўлим ошиёнларда, дилафрўз масканларимизда, қолаверса, ўз гўшаларимизда, мавжуд бўлса дала ҳовлиларда ҳам мазмунли ҳордиқ чиқариш мумкин. Сўзсиз, ўша қиёмига етган, таранглашган асабларни бир қадар тартибга тушириб, танамиз аъзоларига ором бериш саломатликни сақловчи оддий амаллардан ҳисобланади.

Ўз ўрнида ва вақтида дам олиб, мазмунли ҳордиқ чиқаришга не етсин. Бу эса, аъзоларнинг рисоладагидек жонланишига, тарқоқ фикрларнинг теранланишига, соғлом мушоҳада юритишга, қолаверса, ҳаёти умрбоқий бўлишига сабаб бўлади. Шунинг учун, келинглар, таътил пайтларимизда, ишдан бўш вақтларда тоғларга чиқайлик, кўкаламзор боғларда дам олайлик, токи чарчаган асабларимиз ҳам, соғлиғимиз ҳам тиклансин.

Маннон НАБИЕВ.
Ўзбекистон санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими.





...Оққушларда учар болалар, таътил гаштин сурар болалар.

Р. Альбеков сурат-лавҳаси.

Шифобахш гиёҳлар

РАЙҲОН— ЖОНГА ДАРМОН

⊙ Тўғрисини айтганда, ўзлигини биладиган ҳар бир ўзбек хонадонини серхосиятли гиёҳ, гулу чечакларсиз қиёс қилиш қийин. Бир бўйра ери, тўрт қаричли майдони бўлган оила соҳиби ошиёнига жамбил, райҳон ва бошқа ошкўкларни экишга ошиқади. Шулардан бири — райҳоннинг хосияти билан танишасиз.

ЎРТА Осиё депараларида райҳоннинг ошрайҳон, ҳожирайҳон, садарайҳон, лимон исли райҳон каби вужуди ифорли гиёҳлар маданий ҳолда ўстирилади. Райҳон сўзи кўҳна араб тилида «вужуди хушбўй ўсимлик» маъносини берган, форсча уни «исфаран» деб аталиб, у «доимий қувонч» маъносини англатган.

Абу Али ибн Сино райҳон устида тўхталиб: «Уни янчиб ёки ёғини олиб, малҳам қилиб бовосилга суртилса фойда қилади», дейди. Шунингдек, ҳаким қора райҳондан ўринли фойдаланилса, яъни суртмаси кўзнинг лўқиллашига фойда қилиши, юракни кучли қилиши, суви қон туфлашга барҳам бериши, кўкрак сутини кўпайтириши, ич кетишни тўхтатиши, пешоб ажралишини кўпайтириши, уруғи қийналиб пешоб ажратишда фойда қилишини кўрсатиб ўтган.

Ошрайҳон шифобахшлик бобида беқиёс хосиятга эга. Ўсимлик киши иштаҳасига барака бериб, овқатни яхши хазм эттиради, аъзоларга сингдиришда ёрдам беради. Райҳон таркибидаги эфир мойлари сурункали меъда катарида ялиғланишга раддиялик қилувчи омилдир. Шу билан бирга, райҳон пешоб йўли касалликларида самара бериши мумкин. Бундан ташқари, райҳон истиробли йўталда, қизамиқ асорати бўлганларга енгиллик беради.

Райҳон сирка ва озроқ миқдорда туз билан қайнатма ҳолида тиш оғриғини қолдиради. Райҳон баргларининг шарбати ўрта қулоқ йиринглашида фойда беради.

Ўзбек ошхонасида, пазандачилигида райҳон ошкўк ва зиравор сифатида жуда қадрланади. Жумладан, райҳондан гўштли, ёғли масаллиқларга ўзгача таъм беришда, сабзавот ва резаворларни муқумлашда атрофлича фойдаланилади. Райҳоннинг яна бир хусусияти, мева қоқиларини ҳашаротлар зарарлашидан асрайди.

Райҳон баргларини қуритиб қишга асраш учун ўсимлик айни гуркираб гуллаш олдидан устки барглари чилпиб олинади-да, саватчага ғовак қилиб тахланади, сўнгра пана, ҳаво эркинлиги бўлган жойларда қуритилади. Билимдонларнинг айтишларига қараганда, ҳожирайҳон ўсган масканларда чивин зоти бўлмайди.

Доно ХЎЖАЕВА,
доришунос.



ШОҲСУПАГА КЎТАРИЛГАНЛАР

⊙ ГАЛИНА Шамрай ўзбекистонлик спортчилар ичида Олимпия ўйинларида ЭНГ юқори натижага эришган биринчи вакилимиздир. У XV Олимпия ўйинларида биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, 1954 йили ўтказилган жаҳон биринчилигида ҳам унга тенг келадиган енгил атлетикачи топилмади.

⊙ ЮГУРИШДА эса ҳозирча ЭНГ юқори натижа Светлана Бабанинага тааллуқли. У XVIII Олимпия ўйинларида 200 метр масофага брасс усулида югуришда бронза медалига сазовор бўлди.

⊙ ВЕРА Дуюнованинг ҳам ўзбек волейболи тарихида муносиб ўрни бор. У XIX ва XX Олимпия ўйинларида мамлакат терма командаси сафида қатнашиб, чемпионлик унвонига сазовор бўлишга каттагина ҳисса қўшди.

⊙ ЎЗБЕКИСТОНЛИК футболчилардан кўплари Совет Иттифоқи терма командаси таркибида майдонга тушишган. Шулар ичида марҳум Владимир Фёдоров масъулиятли ўйинларда ЭНГ кўп қатнашган десак муболаға бўлмайди. Владимир XXI Олимпия ўйинларида муваффақиятли қатнашиб командадошлари қатори бронза медали билан тақдирланган эди.

⊙ ҲАМШАҲРИМИЗ Собиржон Рўзиев билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. У ўзбек қиличбозлари ичида биринчи бўлиб халқаро миқёсда танилди. Икки марта (1979 ва 1981 йиллари) жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди. XXII Олимпия ўйинларида эса шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди.

⊙ ЛАЙЛО Аҳмедованинг номи нафақат Ўзбекистон, балки Иттифоқимиз спорт мухлисларига ҳам яхши таниш. У ўзбек қизлари ичида биринчилар қатори чим устида хоккей мусобақаларида маҳорати билан довруғ қозонди. XXII Олимпия ўйинларида СССР терма командаси учинчи ўринга кўтарилишида муносиб ҳиссасини қўшди.

⊙ ЭРКИН курашда ЭНГ кўп муваффақият қозонган Арсен Фадзаевдир. Бу полвонимиз XXIV Олимпия ўйинларида барча манман деган рақибларининг курагини ерга текказди. 1983, 1986 ва 1987 йиллари ўз вазнида жаҳонда унга тенг келадигани топилмади. 1985, 1986, 1987 ва 1988 йилларда эса Европа биринчиликларида ҳурмат шоҳсупасининг ЭНГ юқори поғонасига кўтарилди.

⊙ УЗОҚ масофага югуриш мусобақаларида Светлана Ўлмасова эришган муваффақиятни ҳозирча биронта спортчи қизимиз қайд этолгани йўқ. Светлана 1978 ва 1982 йиллари 3 минг метр масофага югуришда Европа чемпиони бўлди.

⊙ Бу йилги Европа биринчилигида эса Марина Шмонина 400 метр масофани ҳаммадан олдин босиб ўтди.

⊙ ШОҲИД Заҳриддинов ўзбек велоспортчилари ичида ҳозирча ЭНГ кўп муваффақият қозонган. У мамлакат биринчиликларида бир неча марта ғолиб чиқди. 1981 ва 1982 йилларда ўтказилган жаҳон чемпионатида эса кумуш медаль билан тақдирланди.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ
тайёрлаган.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

ТВ Ҳафталик кўрсатувлар 2 июлдан 8 июлгача

Душанба, 2

● ЎзТВ I

11.10 Ҳужжатли фильмлар программаси.

*

11.55 Москва. **КПСС XXVIII съездининг очилиши.**

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Абитуриент-90». Кимё.
18.10 «Хазина», «Мен кичик бўлганимда». Мультфильмлар.
18.30 «Улкамизни ўрганайлик». Ўзбекистон маданият жамғармаси қошида ташкил этилган ўлкашунослик жамияти иш фаолияти ҳақида.
19.00 «Санъат олами». Қаҳрамонлик куйчилари.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Ўғил, невара, эвара». Манзарали фильм («Ўзкинохроника»).
20.00 «Мувозанат».
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Ўзбекистон композиторлари». Шоҳида Шоҳмардонова.
21.50 «Асрлар анъанаси». Телефильм.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Суюнчи». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 «Алоқа бўлими», «Ерқазар». Телефильмлар.
18.50 Акробатика. Ўзбекистон ССР кубоги (рус тилида).
19.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Кичкинтой, кулиб боқ». Ошкора мулоқот.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 Халқ чолғулари оркестрининг концерти.
21.40 «Опа-сингиллар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Тожиктелефильм»).
22.00 «Ахбор».
22.20 «Дар синаи андешахо». Саттор Турсуннинг Лойиқ Шерали билан суҳбати.
22.50 «Жамол дарахти». Бадиий фильм.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Ҳайвонот оламида».
9.05 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/4 финал. 2-тайм. Италиядан кўрсатилади.
10.05 К. Сатиев чалади (баян). Қозондан кўрсатилади.
10.25 «Дюймчахон». Мультфильм.
10.55 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда.

*

11.55 **КПСС XXVIII съездининг очилиши.**

* *

15.15 Умумевропа мусиқа байрами.
15.45 «Ала Зазеркальеда». Мультфильмлар. 1 ва 2-серия-лар.
16.05 Болалар соати (немис тили дарси бил.
17.05 «Ер — ё масканимиз». Фотоконкурс.
17.10 Илмий барнома.
18.00 «Время» Янгиликлар телевизион хизати.
18.30 «Август» вокал-чолғу ансамбли ижо этади (Вьетнам).
18.55 Шеърлар лаҳзалари.
19.05 СССР Давлат академик Большой театрида СССР халқ артисти И. Козловский таваллудининг 90 йиллигига бағишланган юбилей кечаси.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.05 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда.
21.25 «Кинопанорама». Кўрсатувни кинодраматург В. Мережко олиб боради.
23.10 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
8.20 «Бурга ва чумоли». Мультфильм.
8.30 Болалар учун фильм. «Мени излаб топ, Лёня» («Ленфильм»).
9.55 «Бизни фақат табиат асрайди». Ёзувчи А. Немушкин сўзи.
10.10 А. С. Пушкин трагедияларидан монологларни СССР халқ артисти Б. А. Бабочкин ўқийди.
10.45 Халқ куйлари.
11.00 «Олдинда — Добрая Надежда бурни». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.

*

11.55 **КПСС XXVIII съездининг очилиши.**

*

14.30 РСФСРда хизмат кўрсатган артист П. Коган раҳбарлигидаги Москва Давлат симфоник оркестрининг концерти.
15.20 «Жонли хотира». Ҳужжатли фильм премьераси. Улуғ Ватан урушининг ветеранлари — Ставрополь ўлкаси «Горкая балка» қишлоғининг деҳқонлари ҳақида («ЦСДФ»).
16.05 «Сен ҳақингда ва мен ҳақимда». Ю. Антонов қўшиқлари.
16.50 «Сирли қулфча». Мультфильм.
17.10 Шеърият лаҳзалари.
(сурдо ...ки-
...ан).
18.30 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Петянинг саргузашти».
19.45 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
19.50 Қўшиқ инсон билан қолади. «Подмосковные вечера» (В. Соловьев-Седой, М. Матусовский).
20.55 «Куёш остидаги табассум». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Ёзувчи Л. Соловьевнинг адабий тақдири ҳақида (Тошкент).
21.30 П. Устинов. «Чўққи сари ярим йўлда». Моссовет номли Давлат академик театрининг фильм-спектакли.

Сешанба, 3

● ЎзТВ I

11.30 «Ижарачилар». Телефильм.
12.00 «Холодильникда биров бор». Бадиий фильм («Грузияфильм»).

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Абитуриент-90». Ф. Энгельс номли Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтига кирувчилар учун.
18.05 «Ёртиқулоқ ва ялқовлар», «Шайтон васвасаси». Мультфильмлар.
18.30 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
19.00 Хоразм вилоятида ўтказилган жумҳурият қурувчи усталари конкурси.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Шаҳрисабз». Манзарали фильм.
20.10 **КПСС XXVIII съезди кундалиги.**
20.30 Москва. «Время».
21.00 Маком кечаси.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Эртага — премьера». Кинокўрсатув.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 «Кундузги сеансга икки билет». Бадиий фильм («Ленфильм»).
19.40 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилур». Ўзбекистон телевидениеси, вилоят касаба уюшмаси кенгаши, вилоят прокуратураси ва «Тошкент ҳақиқати» газета редакциясининг биргаликдаги рейди.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 «Робита». Олий мактаб ислоҳоти. Телетомошабинларнинг саволларига жумҳурият Маориф ва олий ўқув юртлари вазирлиги раҳбарлари жавоб берадилар.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Тожикистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади».
22.25 Тожикистон санъат усталари ва ижрочи ёшларининг концерти.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 Болалар соати (немис тили дарси билан).
9.05 Жаҳон халқлари ижоди. «Шарқ афсоналари маржони».
9.40 «Кинопарама».
11.25 Н. Чепига куйлайди.
11.50 Коллаж(реклама, ахборот, эълонлар).
12.00 «Время» Янгиликлар телевизион хизати.

* *

15.15 «Фестиль белгилари».
15.45 «Эртак ...тидан эртак», «Панония». Мультфильмлар.
16.00 «Чашмаяр». Кўрсатувни СССР халқ артисти Н. Мешко олиб борад
16.30 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси Владикавказ).
17.00 «Алис Зазеркальеда». Мультфильм 3-серия.
17.10 «Марк Твен билан учрашув». Фильм-концерт («Экран»).
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 «Казакл... қандай қилиб мушкетёрларга ёрдам беришди». Мультфильм.
18.50 «Зафар арки». Телевизион бадиий фильм. Э. М. Ремарқнинг шу номли романи асосида.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Долзарб интервью.
21.15 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда.
21.35 «Тўғноғич». Телеспектакль.
22.30 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

23.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Ярим финал. Италиядан олиб кўрсатилади.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
8.20 Д. Башкиров концерти (фортепьяно).
8.55 «Картина». Ҳужжатли фильм. Рус маданиятининг манбалари ҳақида.
9.20 Ҳаракат хавфсизлиги учун.
9.25 «Ёлғиз овоз». СССР халқ артисти Л. Зыкина иштирокида фильм-концерт («Экран»).
9.00 Болалар учун фильм. «Болалигим елканлари».
11.05 Делегатскаядаги музей. «Каргополье — муқаддас ўлка».
11.35 «Роппа-роса учдан ўн беш минут ўтганда». Мультфильм.
12.25 Болалар учун телеспектакль.
13.45 «Биз қуллар эмасмиз...». Ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси учун жамиятнинг масъулияти ҳақида телевизион ҳужжатли фильм (Волгоград).
14.15 Такрорий телефильмлар сеанси. «Давлат чегараси» («Беларусьфильм»). 7-фильм. 1-серия.

* * *

16.30 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмат (сурдо таржимаси билан).
18.30 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Петянинг саргузашти».
19.45 Ритмик гимнастика.
20.15 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
20.20 «Йўлдаги ўйлар...». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Қишлоқда ижара пудратини жорий этилиши ҳақида (Куйбишев шаҳри).
20.40 «Москва—Брюссель антиқўприги».
21.15 «Миллионер хоним». Бадиий фильм («Ленфильм»).

Чоршанба, 4

● ЎзТВ I

11.30 «Элегия». Телефильм.
12.00 Такрорий фильмлар экрани. «Кундузги сеансга икки билет». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Абитуриент-90». Она тили ва адабиёт.
18.10 «Данғаса кўйлак», «Хўтикча». Мультфильмлар.
18.25 «Совет—Япон ҳамкорлиги йўлидан».
18.50 «Зарблардан рақсларга». Мусиқий кўрсатув.
19.25 «Тижорат хабарлари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Фан уфқлари». Ирсият мухандислиги. Муаммо ва ечимлар.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Актёрлар ва роллар». Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Онахон Тожибоева ижоди ҳақида.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ҳамшаҳарлар».
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.00 Ўзбекистон Давлат телевидениеси ва радиоси камер оркестрининг концерти.
18.35 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Чернобиль нидоси» (рус тилида).
19.05 «Йигит ҳамиша йигит». Бадиий фильм («Туркманфильм»).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 «Сирена».
21.15 Мусиқий кўрсатув.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Ҳаёт» деҳот».
23.00 «Насиба». Фильм-концерт.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. Ярим финал. Италиядан кўрсатилади.
10.15 «Шу куннинг воқеаси». Киножурнал.
10.25 Халқ куйлари.
10.40 «Ғалаба ворислари». «Қасамёд қабул қилмай туриб...». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
11.00 «Саёҳатчилар клуби».
12.00 «Время» Янгиликлар телевизион хизми.

* *

15.15 Болалар учун фильм. «Капитан Немо» 1-серия — «Темир кит» Одесса киностудияси).
16.30 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
17.30 «ТелеЭКС» журнали.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 «Бош директор». Телевизион ҳужжатли фильм (Ростов-Дон).
19.10 «Довюрак бўлиш осонми». Мультфильм.
19.20 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Сароб». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия (Рига киностудияси).
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурс кундалиги.
21.45 Долзарб интервью.
22.00 «Мезон». Яна Маяковский ҳақида.
22.20 «Сиз мени шунчаки Дот деб аташингиз мумкин...» (Москвадаги Америка легионининг духовой оркестри).
23.00 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

23.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Ярим финал. Италиядан олиб кўрсатилади.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
8.15 «Қувноқ карусель». Мультфильм.
8.25 «Жониворлар табиатда».
8.55 Рассомлар ҳақида қисқалар. Пабло Пикассо.
9.55 Л. Н. Толстой. «Болалик. Успиринлик. Ёшлик». Телеспектакль. 1-қисм — «Болалик».
11.15 «Сувда цирк».
12.05 Болалар учун фильм. «Бурилиш ортида, у ерда нима гап?». 1-серия (Одесса киностудияси).
13.08 «Имкон беринг тинчликка». Сиёсий қўшиқ ҳақида фильм-концерт (Ленинград).
13.45 Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Яйловдаги йилқи» (Ростов-Дон), «Муқаддас жойлар» (Фрунзе шаҳри).
14.10 Такрорий телефильмлар сеанси. «Давлат чегараси». 7-фильм. 2-серия.

* * *

16.30 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Петянинг саргузаштлари».
19.45 «Зурриёт». Она ва бола саломатлиги муаммолари ҳақида (Чебоксари шаҳри).
20.20 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
20.25 «Испан соати». Фильм-концерт (Ленинград).
21.25 «Муҳаббатни баҳам кўрайлик». Бадиий фильм («Мосфильм» — «Бояна», Болгария).

Пайшанба, 5

● ЎзТВ I

11.30 «Бетакрор». Телефильм.
12.00 Такрорий фильмлар экрани. «Йигит ҳамиша йигит». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Абитуриент-90». Биология.
18.10 «Ромка, Фомка ва Артос». Кўғирчоқ фильм.
18.35 «Алифбо сабоқлари».
19.10 **КПСС XXVIII съезди кундалиги.**
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Мусиқа жавони».
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар беради».
21.10 «Спортимиз шуҳратини тиклайлик». Ошкора мулоқот.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қувноқлар ва зукколар».
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.10 «Лоқайдлик оқибати». Телефильм.
18.45 «Тижорат хабарлари».
18.55 «Давр тақозоси». Тошкентдаги «Компрессор» заводидан кўрсатув (рус тилида).
19.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Эътиқод».

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 «Тожикистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади».
21.05 «Пайғом». Меҳнаткашларнинг хатлари асосида.
21.40 «Бу ўжар ижара». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Тожиктелефильм»).
22.00 «Ахбор».
22.20 Жумҳурият халқ артисти Наимжон Маҳкамов куйлайди.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. Ярим финал. Италиядан кўрсатилади.
10.15 «Яшил чигиртка». Мультфильм.
10.25 «Сароб». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
11.35 «Парнас сари бир босқич».
11.50 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* *

15.15 Болалар учун фильм. «Капитан Немо». 2-серия — «Шаҳзода Даккар».
16.25 «Ер ва денгиз қўшиғи». Кабо-Верди республикаси ҳақида ҳужжатли фильм («Молдовафилм» ва Кабо-Верди республикасининг (кинематография институти).
16.55 «Алиса Зазеркальеда». Мультфильм. 4-серия.
17.05 Шеърият лаҳзалари.
17.10 «....16 ёшгача ва ундан катталар».
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 «Ҳокимият — Советларга».
19.00 «Қўшиқни эслаб қол». Катталар ва болалар учун кўрсатув.
19.15 «Сароб». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.05 «Сўз». Адабий-бадиий программа.
23.05 Долзарб интервью.
23.20 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
8.20 «Президент Континиус». Илмий-оммабоп фильм премьераси («ЦНФ»).
8.45 Мультфильмлар: «Ташвишни қандай енгишди», «Эзгу орзу».
9.15 Литва ССР мусиқий фольклорининг концерти.
9.55 Л. Н. Толстой «Болалик. Успиринлик. Ёшлик». Телеспектакль. 2-қисм — «Успиринлик».
10.55 Кичик концерт.
11.10 Ритмик гимнастика.
11.40 «Морис Бежар хореографияси». Фильм-концерт (Ленинград).
12.05 Болалар учун фильм. «Бурилиш ортида, у ерда нима гап?». 2-серия.
13.15 Денгиз пиёдалари президент оркестрининг концерти (АҚШ).
15.15 Такрорий телефильмлар сеанси. «Давлат чегараси». 8-фильм. 1-серия.

* * *

16.30 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Цап-Царапич ёрдамга ошиқади».
19.45 Ритмик гимнастика.
20.15 «Вертикаль». «...Ярим тун ва яна тонг». Кўғирчоқлар ясовчи рассом Е. В. Берданосова ҳақида ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»).
20.45 «Павел Авдоницкий қўшиқлари». Фильм-концерт («Экран»).
21.25 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.30 «Клиника». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).

Жума, 6

● ЎзТВ I

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Бурчга садоқат».
18.20 Спорт гимнастикаси бўйича Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон командалари ўртасида Бутуниттифоқ мусобақаларидан репортаж.
18.55 «Болалар ва китоб».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Тил — маданият кўзгуси».
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Истеъдод». Хонанда Турсунбой Парпиев.
21.40 «Одобнома».
21.55 «Тижорат хабарлари».
22.00 «Ахборот».
22.20 «Умид». Бадиий фильм. 1-серия («Ўзбекфильм»).
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 Ҳужжатли фильмлар программаси.
19.05 «Ҳамкишлоқлар». Бадиий фильм («Мосфильм»).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 «Инсон ва қонун».
21.40 «Суруди муҳаббат». Баҳодир Неъматов куйлайди.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Олов кули остида». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Сўз». Адабий-бадиий программа.
10.05 «Сароб». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
11.15 «...16 ёшгача ва ундан каттаЛар».
12.00 «Время» Янгиликлар телевизион хизмати.
13.00 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда.

* * *

15.15 Болалар учун фильм. «Капитан Немо». 3-серия — «Наутилус курашни давом эттиради».
16.20 «Агар сиз...»
17.05 «Интерматрёшка-90» халқаро фестивали.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 Фалсафий суҳбатлар. «Инсоний қадриятлар афзаллиги нимада».
19.15 «Ер—она масканимиз». Фотоконкурс.
19.20 «Сароб». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.05 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда.
21.35 «Москва — Брюссель антиқўприги». 2-қисм.
22.15 «Қалб хотираси». Телевизион фильм премьераси. СССР халқ артисти, композитор И. Лученок ҳақида.
23.35 Долзарб интервью.
23.50 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
8.50 «Қаттиқ ёнғоқ ҳақида эртак». Мультфильм.
9.10 Н. Лесков. «Сартарош». Ҳикояни РСФСР халқ артисти Н. Гундарева ўқийди.
9.55 Барток номли камер оркестрининг концерти.
10.25 Л. Н. Толстой. «Болалик. Успиринлик. Ёшлик». Телеспектакль. 3-қисм — «Ёшлик».
11.55 «Радуница» ашула-чолғу ансамблининг чиқиши.
12.15 Болалар учун фильм. «Фарқ бўлган шаҳарни изловчилар» («Грузия-фильм»).
13.25 «Қалбнинг кузли қизиқчи». Л. Енгибаров.
14.15 Такрорий телефильмлар сеанси. «Давлат чегараси». 8-фильм. 2-серия.
15.20 Молдавия ССР «Ленинский путь» жамоа хўжалигида хўжалик юритишнинг янги шаклларини изланиш ҳақида телевизион ҳужжатли фильм (Кишинёв).

* * *

16.30 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Петянинг саргузаштлари».
19.45 РСФСР халқларининг мусиқий фольклори.
20.30 «Табиат ёрдам сўрайди».
21.00 Спорт ҳамма учун.
21.15 Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади.
21.30 «Ўша эркак, ўша аёл». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-серия-лар (Свердловск киностудияси). Премьера.

Шанба, 7

ХАЛҚАРО КООПЕРАЦИЯ КУНИ

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

*

10.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иқбол».
11.30 «Оналар мактаби».
12.00 «Қонун барчага баробар».
12.40 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Соҳибжамол Ойсулув ҳақида». Бадиий фильм («Қозоқфильм»).
13.50 «Офат ва нажот».
14.20 «Деҳқон юмушлари».
14.50 «Халқ ижодиёти».

Тижорат кўрсатувлари

15.30 «Меҳнатим элга манзур». Андижон вилоятидан кўрсатув.
16.05 «Шўртаннинг ўнинчи баҳори».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Тенгдошлар». Бевосита мулоқот.
19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 **КПСС XXVIII съезди кундалиги.**
20.15 «Оқшом эртаклари».
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Жаҳонгашта эрурсан, «Баҳор». Мусиқий кўрсатувнинг давоми.
23.10 «Умид». Бадиий фильм. 2-серия.
00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Савту калом». Адабий-мусиқий кўрсатув.
9.55 «Ойни этак билан ёпиб бўлмас». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.).
10.55 «Мовий шаҳарлар». Фильм-концерт.
12.25 «Дельфин ҳайқириғи». Бадиий фильм.

* * *

17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 «Дельфин ҳайқириғи». Бадиий фильм.
19.30 «Новости».
19.50 «Светофор». Октябрятлар учун кўрсатув.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Рухафзо». Асадулло Атоуллоев куйлайди.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Тожикистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади».
22.25 «Фарханг ва ҳунар». Жумҳурият маданий ҳаёти янгиликлари.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 «Маданиятли кооператорнинг иқрори». Телевизион ҳужжатли фильм.
8.35 «Онам, дадам ва мен». Бола икки ёшга тўлганда.
9.05 «Сароб». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
10.10 «Йил фасллари». Июль.
11.10 «Бурда моден» таклиф этади...
11.45 «Партнер». Тижорат хабарномаси.
12.15 «Мўъжизасиз мўъжизалар».
13.15 «Уз юртининг пайғамбарлари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳақида («Лентелефильм»).
14.20 «Ўн иккинчи кеча». Москва «Современник» театрининг фильм-спектакли. В. Шекспир пьесаси асосида.
16.55 «Сиёсий мулоқотлар».
17.55 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда.
18.15 «Халқаро панорама».
19.05 Н. Губенко фильмлари. «Дам олувчилар ҳаётидан» («Мосфильм»).
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 П. И. Чайковский номли IX халқаро қонкурснинг тантанали ёпилиши. Консерваториянинг Катта залидан олиб кўрсатилади.
21.45 Долзарб интервью.
22.00 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.
22.15 Оммавий куй янгиликлари. «А» программаси.
23.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Финал. Италиядан олиб кўрсатилади.
02.00 «Абадият ҳақида ўйлар».

● МТ II

3-ўрин учун матч. Италиядан олиб кўрсатилади.
7.30 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
7.45 «Шаҳзода Флоризелнинг саргузаштлари». Уч серияли телевизион фильм, субтитр билан. 1-серия («Ленфильм»).
8.50 Рус тили.
9.20 «Ким биринчи». Мультфильм.
9.30 Миллий баскетбол ассоциацияси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати.
10.30 Иттифоқдош жумҳуриятлар студияларининг фильмлари. «Акс садо...». Телевизион бадиий фильм (Шимолий Осетия АССР ва Чечен-Ингушия АССР Давлат телерадиоси). Премьера.
11.45 В. Губарев. «Саркофаг». Телеспектакль (Ленинград). Премьера.
12.55 «Биз енгилмаймиз — биз олға борамиз». Е. Д. Стасова номли Иваново байналмилал болалар уйи тарбияланувчиларининг тақдири ҳақида («ЛСДФ»).
18.30 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Фунтик цирк».

* * *

16.30 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Хрюша солда».
19.45 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
21.00 Н. В. Гоголнинг экранлаштирилган асарлари. «Бурун» («Экран»).
22.35 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади.

Тунги сеанс

23.35 «Пан Вокнинг тўйи». Бадиий фильм (ЧСФР).

Якшанба, 8

БАЛИҚЧИЛАР КУНИ

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

*

10.00 «Довюрак». Бадиий фильм (Одесса киностудияси).
11.35 Мунозара учун мавзу. Қабул имтиҳонлари кераКми?
12.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чироқ». Бухоро ва Фарғона командалари учрашадилар.
13.05 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». Мусиқий кўрсатув.
13.50 «Кўнгил кўзи билан...» Адабий кўрсатув.
14.20 «Дўстлик» программаси. «Замандас». Қозоғистон ва Ўзбекистон оқинлари ўртасидаги айтишув.

Тижорат кўрсатуви

15.20 «Ҳақиқат эгилди, аммо синмади». Яккабоғ пахта тозалаш заводи ҳақида.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Тантиқой». Мультфильм.
18.10 Болалар учун концерт.
18.55 «Ижтимоий мустақиллик йўлида». Менежерлар мактаби.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Сиҳат-саломатлик». Тиббиёт соҳасида янгича ҳужалик юритиш—бугунги кун ва келажак тақозоси.
20.30 Москва. «Время».
21.00 Ўзбекистон ССР халқ артисти Нуриддин Ҳамроқулов куйлайди.
22.00 «Ахборот».
22.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Сўғдиёна» қизлари». Бадиий фильм («Тожикфильм»).
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот.
10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». Реклама.
10.15 «Яхши деган нима».
10.50 Балиқчилар кунига бағишланган кинопрограмма.
11.50 «Капуцин хиёбонидаги киши». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.25 «Капуцин хиёбонидаги киши». Бадиий фильм.
20.00 «Қадри нон».
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Чаманда». Тожикистон давлат филармонияси рубобчи қизлар ансамблининг чиқиши.
22.00 «Ҳафта». Информацион программа.
22.30 Ф. Ансорий. «Ҳукми модар». Телеспектакль.
23.55 «Телетомошабин ҳамроҳи».

● МТ I

7.30 Спорт ҳамма учун.
7.45 Ритмик гимнастика.
8.15 «Спортлото» тиражи.
8.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув.
9.30 «Ватан хизматида».
10.30 Тонгги дам олиш программаси.
11.00 «Дунё бўйлаб». Альманах.
12.00 «Иш манфаати йўлида». Телевизион ҳужжатли фильм (Киев).
12.20 Киноафиша.
13.20 «Икки заранг дарахт». Мультфильм.
13.55 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама.
15.15 «Педагогика ҳамма учун».
16.15 «Здоровье».
17.00 «Марафон-15».

Якшанба кинозали

18.30 «Данило ва Ненила». Мультфильм. «Айдерелик дарвеш». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Ашхобод).
19.00 «Ҳар кимга қилмишига яраша». Телевизион бадиий фильм (Италия).
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурснинг якунловчи концерти. Консерваториянинг Катта залидан кўрсатилади.
23.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Финал. Италиядан олиб кўрсатилади.
02.00 «Абадият ҳақида ўйлар».

● МТ II

7.30 Зарядкага сафланинг!
7.50 «Шаҳзода Флоризелнинг саргузаштлари». Уч серияли телевизион фильм, субтитр билан. 2-серия.
9.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. 3-ўрин учун матч. Италиядан кўрсатилади.
11.15 «Шаҳзода Флоризелнинг саргузаштлари». Уч серияли телевизион фильм, субтитр билан. 3-серия.
12.15 «Кароматли қуш». Илмий-оммабоп фильм премьераси. «Она-замин ташвишида» туркумидан.
12.45 «Шувоқ ўти». Бадиий фильм (Свердловск киностудияси).
14.00 «Совет Россияси» видеоканали.
16.30 «Планета». Халқаро программа.
17.30 «Биз яшаётган олам». Режиссёр М. Литвяков фильмлари. «Биз енгилмаймиз — биз олға борамиз». Е. Д. Стасова номли Иваново байналмилал болалар уйи тарбияланувчиларининг тақдири ҳақида («ЛСДФ»).
18.30 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Фунтик цирк» да». Мультфильм.
19.45 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.05 «Матбуот клуби».

ТОШКЕНТ оқшоми

(«Вечерний ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р — 10115.
140.390 нусхада чоп этилади. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.